



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 6 март, № 46 (4456)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириш бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида энг кам: иш ҳақи — ойига 20 865 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 41 330 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 20 865 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 41 330 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 25 030 сўм миқдоридида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устима ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалиқ оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 5 март

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Тошкентда Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши — суд-ҳуқуқ тизими эркинлашуви бўлиб ҳисобланади. Икки кун давом этадиган ушбу анжуман Минтақавий сивбат жамғармаси томонидан АҚШнинг Янги демократиялар институти ҳамда Шарқий Кентукки университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ушбу Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия вазирликлари раҳбарлари, Омбудсман, олимлар, соҳа мутахассислари ва таълимчилар, шунингдек АҚШ, Европа давлатлари, БМТ ва БҲТ каби халқаро ташкилотлардан мутахассис ва экспертлар иштирок этмоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилиниб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланди. Бунда жазонинг мақсади турли хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

(Давоми 2-бетда).



ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР, КАФОЛАТЛИ

Республика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларида ана шундай эътирофга лойиқ хизмат кўрсатилмоқда

Энг илғор талаблар даражасида ташкил этилган республика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган ислохотларнинг ажойиб ютуқларидан биридир. Мазкур марказ Президентимизнинг 1998 йилда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида қайд қилинган аҳолига шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ алоҳида бандга кўра бунёд этилган.


Айни пайтда пойтахтимизда республика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг 12 филиали, туман ва шаҳарларда 173 та бўлими ишлаб турибди. Бу йилги шифо тизимига «03» тез ёрдам хизмати ва санитария авиацияси ҳам қиради. Ҳар йили мамлакатимиз аҳолисининг 6 миллион нафардан кўпроги давлат томонидан кафолатланган, бепул шошилич тиббий ёрдам хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Бу ерда жаҳон соғлиқни сақлаш тизими истиқболига дахлдор илмий йўللари, усуллари ҳам ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, марказ ва унинг филиалларида дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ишлаб чиқарилган, юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар ўрнатилган. Марказда олий тоифали шифокорлар ўрта тиббиёт ходимлари ҳам юксак талаблар асо-

сида танлаб олинади. Уларнинг аксарияти АҚШ, Япония, Германия, Россия, Исроил каби мамлакатларда малака оширган. Шу боис, аҳолининг марказ шифохоналарига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Бунга қўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Фақат ўтган йилда мазкур тизим шифохоналарига 1 ярим миллиондан ортиқ киши мурожаат қилди. 6 миллиондан зиёд беморга бепул шошилич тиббий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда марказ шифохоналарида бир йўла 8280 дан ортиқ фуқаро даволаниш имконига эга. Ҳар бир беморнинг аҳолини марказлаштирилган тизим орқали кузатиш мумкин.

Табиийки, бу кўрсаткичлар мамлакатимизда тиббиётнинг янги босқичга кўтарилгани, аҳолига кўрсатилмаётган шошилич тиббий ёрдамнинг барча учун очилган хизматнинг замонавий, тезкор ва кафолатли эканлигига далилдир.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилмаётган



Т. ҚУРБОНОВ
олган суратлар

бу каби ислохотлар, аввало, инсон манфаатини кўзлайди. Бинобарин, Президентимиз та-

шаббуси билан рўёбга чиқаётган ушбу хайрли ишлар баркамол авлодни тарбиялаш, мил-

латни соғломлаштириш госясининг асосини ташкил қилади.

Ф. САНАЕВ.
СУРАТЛАРДА: марказ фаолиятдан лавжалар.

Тадбир

Қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси бир қатор давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда «Иш бевурувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати уюштирди.

СУГУРТА ЖАВОБГАРЛИГИ

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда мамлакатимизда суғурта бозорини тартибга солиш бўйича зарур қўнғунчилик тизими яратилган бўлиб, у самарали ишламоқда. Шу билан бирга, мавжуд ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, суғурта фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солишни қўнғунларнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш бўйича ҳам муҳим тадбирлар олиб боришмоқда. Чунки, республикадаги суғурта бозоридида иктивий ва мажбурий суғурта улушларининг нисбати бора-бора ҳам талайгина ишлар қилинди. Зотан, тажриба шуни кўрсатдики, бозор иктивий шартларида фуқаролар, хусусий сектор ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари кафолатланганини таъминлаш учун мажбурий суғурталаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада «Иш бевурувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг депутатлар муҳокамасига киритилганини давра суҳбати иштирокчилари алоҳида таъкидлашди. Чунки, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбирда, шунингдек, қонун лойиҳаси бўйича қатнашчилар томонидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

К. ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралда қабул қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда белгиланганидек, 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда банклар Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг

депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хоржий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан ўтказган миллий ва хоржий валютадаги пул маблағларини омонатларининг миқдорини чекланмаган ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларини талаб этмаган ҳолда қабул қилишга мажбурдирлар. Айни вақтда бу маблағлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади.

«Алоқа-банк» акциядорлик-тижорат банкининг пул муомаласи ва мониторинг божармаси бошлиги Бахтиёр ДУШАЕВ ўз ахборотида ушбу банкда мазкур ҳужжат ижроси бўйича қандай тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани ҳақида сўзлаб берди:

— Аввало, шуни таъкидлаш керакики, Юртбошимизнинг мазкур Фармони аҳолининг банк тизимига нисбатан ишончини мустаҳкамлаш бора-бора яна бир муҳим кадам бўлди, — дейди Б. Душаев. — Ушбу ҳужжатда аҳолининг бундан маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб қилишни рағбатлантириш назарда тутилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун муҳим инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслар томонидан банкларнинг депозит ҳисобварақларига киритилмаган маблағлари манбаи декларация қилинмаслиги аниқ белгиланган. Нафақат банкларга, балки ҳуқуқий муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат қўничи жисмоний шахслардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбаларини қўнғунчилиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сирини ҳисобланадиган бошқа манбаларни сураб олиш қатъий тақиқланган.

Фармон ва ижро


Банкимиз тасарруфида 12 филиал, 27 минибанк ва 40 та омонат-касса шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Марказий офис ҳамда ҳудуд-

лардаги филиаллар ходимлари билан семинарлар ва тушунтириш суҳбатларини ўтказди. Бундан омонатчилар ўзининг шахсий ҳамда тақдим этувчининг ҳисобварақига, яъни аноним равишда пул қўничи мулкчилигига алоҳида эътибор қаратилди.

Маблағлар нақд пул шаклида ва омонатчиларнинг хоржий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан пул ўтказиш йўли орқали қўйилиши мумкин. Шу мақсадда тақдим этувчи учун омонат тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг ҳар қандай фуқаросига ана шундай хизмат кўрсатиш имкониятига эгаими. Холловчилар пластик сўм картчаларини ҳам расмийлаштириши мумкин. «Алоқа-банк»нинг валюта божармасида омонатчилар учун хоржий

(Давоми 2-бетда).

БАРҚАРОР БОЗОР МЕХАНИЗМИ



2007 йилда Ўзбекистон Товар-ҳом ашё бижмасида умумий савдо айланмаси қариб 2 баробар

Республикада фаолият юритаётган тадбиркорларга, энг аввало, кичик бизнес субъектларига асосий ва талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шакллантирилганлиги натижасида ана шу ютуқ қўлга киритилди.

Бир рақам шарҳи

МАМЛАКАТ БУЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Муборакнефтьгазмонтаж» очик акциядорлик жамиятида жорий этилган касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлашни бошқариш тизими халқаро миқёсда тан олинди.

Халқаро миқёсда тан олинди

Германиядаги муфозил аудиторлик идораси мутахассисларининг ҳулосасига кўра, қорхонага DQS халқаро сертификатлаш ташкилотининг «OHSAS 18001-1999» стандарти талабларига мувофиқлик гувоҳномаси топширилди. Бу жамиятда жамоа аъзоларининг иш шартини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилмаётган кенг қамровли ишларга берилган юксак баҳолидир.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Унумдорлик ошади

Бухоро вилоятида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари эвазига бу борада катта ҳажмдаги ишларни бажариш қўзда тутилмоқда.

Жумладан, Жондор ва Ромитан туманларида «К-18» туманлараро зовури барпо этилади, Қорақўл туманидаги «Гурдош» ва Ромитандаги «Эски Амир Темур» зовурали қайта таъмирланади. Когон ва Бухоро туманларидаги шундай объекتلарда таъмирлаш ишлари бажарилади. Шунингдек, туманлараро, ҳўжалиқлараро ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳисобидида сув иншоотлари, 516 та тик дренаж қудуғи, 258 та кузатув қудуғи қўздан чиқарилади. Натijaда шу йилнинг ўзига Бухоро, Жондор ва Ромитан туманларида жами 42 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Экспортга — тайёр маҳсулот

Жорий йилда Навоий вилоятида пахта ни қайта ишлайдиган учта йирик лойиҳа амалга оширилади.

Жумладан, «Бахтестил» қўшма корхонасида хорик инвестициясини ўзлаштириш эвазига иккинчи линия ишга туширилади. Натijaда бу ерда беш минг тоннагача калава ип тайёрланиб, 5,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинади. 110 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Богбоннинг ниҳоллари

Қирғизали Жўрабов Андижон туманининг Завроқ қишлоғида истиқомат қилади. Миришкор богбон. 20 йилдирки, кўчат еттиштириш билан шуғулланади.

У бу йил 50 минг тул бодом, 20 минг тул Қўқон гилоси, 50 минг тул шафтоли, 40 минг тул хурмо, 10 минг тул ўрик, 10 минг тул олча қўчатини экишга тайёрлаб қўйди. Бу қўчатлар фермер ҳўжалиқлари, қорхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларига етказиб берилади.

Жалолиддин ТУРДИЕВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қизгин паллага кирди

АҚШда президентлик сайлови олдидан ўтказилган овоз тўплаш жараёни қизгин паллага кирди.

Кеча Демократлар партиясидан номзодлар Барак Обама ва Хиллари Клинтон бир неча штатларда овоз тўплаш жараёнида иштирок этдилар. Шу кунгача ушбу партиядан номзодлар орасида Барак Обама етакчилик қилиб келаётган. Бироқ сўнгги уч штатда ўтказилган учрашувларда Хиллари Клинтон Обамага етиб олди.

Республикачилар партиясидан эса Жон Маккейн номзоди етакчилик қилиб келапти. Эслатиб ўтамиз, президентликка номзодлар номи икки партиядан қўрилган расман эълон қилинади.

Иш ёпилмоқда

Маълумки, ўтган йилнинг октябрь ойида Покистон Президенти Парвез Мушарраф Беназир Бхутто ва унинг турмуш ўртоғи Азиф Али Зардорий ҳукумат томонидан авф этилганлиги тўғрисида махсус фармон чиқарганди.

Покистоннинг Коррупцияга қарши кураш суди, шунга биноан, Азиф Али Зардорий устидан очилган бешта жиноий ишни расман ёпди.

"Франс-пресс" таркатган хабарга кўра, айни пайтда Зардорий устидан очилган яна иккита жиноий иш қайта қўрилади ва суднинг навбатдаги йиғилишида ёпилади.

Довюррак ҳаммол мукофотланди

Глазго аэропортининг юк ташувчиси Жон Смитони Буюк Британия қироличаси Елизавета «Довюрраклиги учун» медали билан тақдирлади.

Гап шундаки, 2007 йилнинг 30 июнида Жон Глазго аэропорти яқинида террорчилар томонидан уюштирилган кўпурчиликнинг олдини олишда катта хисса қўшганди. У аэропорт терминали томон кетаётган террорчилар машинасини кўриб, вақтида полиция ходимларига хабар беради.

Истеъфо берди

Кеча Шимолий Ирландиянинг биринчи вазири ва Бирлашган демократик партиясининг етакчиси Йен Пейсли истеъфо берди.

"Sky News" телеканали хабарига кўра, 81 ёшли Пейсли мазкур икки лавозимни шу йил май ойида тарк этади.

Энг катта аэропорт

Хитой пойтахти Пекинда дунёдаги энг катта аэропорт фойдаланишга топширилди, деб хабар беради "Франс-пресс" ахборот агентлиги.

"Олимпиада — 2008" уйинлари учун махсус бунёд этилган аэропортнинг терминаллари 3,25 километрга, майдони эса 98 гектарга тенг. Аэропорт ҳудудида 170 та футбол майдонини қурса бўлади.

Иншоот лойиҳаси Буюк Британиялик меймор Норман Фостер томонидан чизилди. Айни пайтда, аэропортда бешта авиакомпания самолётлари қатнамоқда.

Сохталикнинг олди олинади

Бразилияда сайловчилар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи биометрик база яратилмоқда.

Бу усул сиёсий жараёнларда сайловчиларнинг имзоларини йиғишда қулайлик яратади. Бундан ташқари, имзо варақларини сохташтиришнинг ҳам олдини олади.

Бразилия Олий сайлов трибунали ходимлари берган маълумотга кўра, келаси ҳафтада биометрик базага 50 минг сайловчининг рўйхати киритилади. Унда ҳар бир сайловчининг бармоқ изи ва фотосурати жойлаштирилади.

Сайловчилар ҳақидаги маълумот базаси ўн йилда тўлиқ шаклланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Телефон аппаратлари улгуржи савдоси

1 йил кафолат Кенг моделлар қатори

- Корхоналар билан ишлаймиз
- Дилерларни ҳамкорликка таклиф қиламиз

Телефонлар: 8 (371) 234-25-97, 150-02-21, +998 (90) 370-18-30.
e-mail: mirada_tashkent@mail.ru

максулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги

ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат этган шахснинг исми-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

«Ишонч телефонлари» рақамлари:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-371) 233-22-33, (8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-361) 222-56-76
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси	(8-371) 232-03-30
Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-374) 224-87-50
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-365) 224-64-86
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-372) 226-03-02
Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-369) 223-06-55
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-366) 226-00-00
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-367) 225-33-30
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-376) 227-25-51
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 264-18-32
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-373) 224-29-08
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-362) 226-37-10
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-375) 221-82-45
Транспорт Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 252-61-39

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами ва НАВРУЗ байрами муносабати билан миллий ва хорижий валюталарда 40 пурдан омонат пулларини тақдиф этади.

Жумладан:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

1. «ҚАЛДИРҒОЧ» омонатининг энг кам миқдори — 100 000 сўм. Омонатнинг сақланиш муддати — 3 йил. Омонат бўйича йиллик 29% ҳисобланади. Қўшимча маблағлар қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар миқдорининг истагига кўра ҳар ойда берилиши мумкин.
2. «БАХТЛИ АЁЛ» омонатининг энг кам миқдори — 100 000 сўм. Сақланиш муддати — 5 ой. Омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади. Қўшимча маблағлар қабул қилинмайди. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар миқдорининг истагига кўра омонат очилган куни берилиши мумкин.

3. «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» омонатининг энг кам миқдори — 250 000 сўм. Сақланиш муддати — 9 ой. Омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизларни 9 ой ўтгандан сўнг олиш мумкин.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

1. «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» омонатининг энг кам миқдори — 500 АҚШ доллари. Сақланиш муддати — 6 ой. Омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизларни 6 ой ўтгандан сўнг олиш мумкин.
2. «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» омонатининг энг кам миқдори — 200 евро. Сақланиш муддати — 9 ой. Омонат бўйича йиллик 7% ҳисобланади. Қўшимча маблағлар қабул қилинмайди. Ҳисобланган фоизларни 9 ой ўтгандан сўнг олиш мумкин.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. ДАТ «Асака» банки сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Мурожаат учун телефонлар: 120-82-92, 120-82-60, 120-81-73.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЎЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газсервис» ЁАЖ ва «Сигнал» ЁАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақдиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг. дан 4000 кг. гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Қўрағамлар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўжлаз: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девонни жамоаси масъул ходими Г. А. Абдуоқилова онаси **ФАБИЛАТ** аянинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон миллий теле-радиокомпанияси «Yoshlar» теле-радиоканали ениқ ақшадорлик жамияти жамоаси бош бухгалтер Дону Ўбайдуллаева пилари бузруквори **СОБИТ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси режиссёр Замира Бегимкулова волидан муҳаррамансиз **ҚУМРИ** аянинг вафоти муносабати билан туқур ҳамдардлик билдиради.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАМАНГАН ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛЛАРИ

нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
 - Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 8 июндаги 16-0705-2425-сонли ижро варақасига асосан Наманган вилояти Наманган шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Наманган вилояти «Иссиқлик манбаи» ИЧБга қарашли Косонсой шаҳри А. Навоий кўчасида жойлашган «Шодлик» боллар дам олиш оромгоҳи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда (умумий ер майдони — 46298,83 кв.м., қурилиш ости майдони — 2656,4 кв.м., фойдаланиш майдони — 2196,0 кв.м.). Бошланғич баҳоси — 308 795 550 сўм.
 - Наманган вилояти ҳўжалик судининг ижро ҳўжатларига асосан Наманган вилояти Наманган шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Наманган вилояти жойлашган «Ягона буртмачи» инжиниринг компаниясига қарашли, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, «Ёшлар» спорт мажмуаси ҳудудида жойлашган ресторанининг бино-иншоотлари ва ўрнатилган жиҳозлари билан мужассам ҳолда. Бошланғич баҳоси — 121 329 641 сўм.
 - Жиноят ишлари бўйича Янгикўрғон тумани судининг 2007 йил 29 августдаги 1-108-сонли ижро варақасига асосан Наманган вилояти Чортоқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Чортоқ тумани ИИБ ЙХБ ҳарима майдонида сақланаётган «RENAULT V11 GWA 560» русумли, давлат белгиси 16 R 46 03 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, ишчи ҳолатидаги автотранспорт ва унга бириктирилган музлаттич-тирмака. Бошланғич баҳоси — 56 000 000 сўм.
 - Аукцион савдоси 2008 йил 11 март кўни соат 11.00 да РКМБ Наманган вилояти филиали биносининг савдолар залида ўтказилади.
2. 2008 йил 2 апрель кўни соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиалида нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 13-0701-1838-сонли иши бўйича 2007 йил 28 майдан кам бўлмаган зақалат пулини РКМБ Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига иштирок этиш учун АТИБ «Ипотекабанк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20210000600571452072, МФФ 00223, ИНН 200933850 ва РКМБ Жиззах вилояти филиалининг аукцион савдосига иштирок этиш учун АТ «Ипотекабанк» «Сангар» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20210000000571452050, МФФ 00834, ИНН 200933850 тўлашлари шарт.
- Ушбу мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳўжатларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган зақалат пулини РКМБ Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига иштирок этиш учун АТИБ «Ипотекабанк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20210000600571452072, МФФ 00223, ИНН 200933850 ва РКМБ Жиззах вилояти филиалининг аукцион савдосига иштирок этиш учун АТ «Ипотекабанк» «Сангар» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20210000000571452050, МФФ 00834, ИНН 200933850 тўлашлари шарт.
- Ушбу мазмундаги хабарлар «Наманган ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 9 февралдаги 12 (18384) ва 23 февралдаги 16 (18388) сонларида ва «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 27 февралдаги 18 (4797) сониде ва «Джиззакская правда» газетасининг 2008 йил 27 февралдаги 18 (4796) сониде чоп этилган.

Қўшимча маълумот учун манзиллар:

Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 8-уй, Тел: 226-64-47, 226-27-01, 223-08-00.
Жиззах шаҳри, Ш. Рашидова шоҳкўчаси, 89-уй, Тел: (372) 222-85-77, 222-84-16, 771-05-00.

